

ЁШ ОИЛАЛАР ДАВЛАТИМИЗ ҒАМХЎРЛИГИДА

(Давом. Бошланиш 1-бетда)

Юқоридагилар билан бир қаторда, "Ёшлар йили" Давлат дастурида ФХДЭ органлари олдида ҳам бир қанча вазифалар қўйилган. Хусусан, ФХДЭ органлари зиммасига оила қуришдан олдин белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтган ёшларни унинг натижалари билан таништириш, келажакда эр-хотин ва ота-она сифатидаги ҳуқуқлари, бурчлари, никоҳ масъулиятини тушунтиришни янада мазмунли ва самарали ташкил қилиш вазифаси юқланган.

Бунда, аввало, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича турмуш қураётган ёшларнинг тафаккурини, онгини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Иккинчидан, вояга етмагач қизларимиз онгидан оналик масъулиятини, ўғилларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, бунга уларни тайёрлаш бўйича муайян ишлар олиб боришмоқда. Учинчидан, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш, оилада бола-нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши бўйича тадбирлар ташкил қилишмоқда. Тошкент шаҳар Оила маросимлари маркази мисолида айтилган бўлса, Ёшлар йилининг олти ойи мобайнида 662 нафар йигит-қизларимиз оила қуриш бахтига муяссар бўлди. Улардан 362 нафарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, ипотека кредитлари олишлари учун маъ-

лумотномалар берилди. Бу йигит-қизларимиз қатор мутасадди идоралар вакиллари иштирокида Марказимиз ҳузурида махсус ўқув-тарбиявий курслар сифатида тузилган "Ёш оила мактаби"да никоҳ ва оила масалалари бўйича зарур сабоқларни олдилар. Шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янада кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида "Жамият оиладан бошланади", "Қизлик уйга ёғилар раҳмат", "Конституция ва оила", "Оила — ҳаёт мактаби", "Меҳр-муҳаббат — инсоний фазилат" мавзуларида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Маълумки, соғлом оилани шакллантириш, унда соғлом зурриёдларнинг дунёга келиши ва камол топтиришга эришиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши келгусида бефарзандлик, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсон бўлган болалар туғилишининг олдини олиш, никоҳланувчилардан бирининг соғлиги билан боғлиқ нохушликлар боис ажралишларнинг камайишини таъминлашмоқда. Мазкур қарор кучга киргач, бундай нохуш кўрсаткичлар камайиб бораётгани кувонарлидир. Қолаверса, қўланган мақсадлар амалда самара бераётгани боис, ёшларимизда тиббий

текширувга қизиқиш ошмоқда. Агар 1999 йили тиббий текширувдан ўтиш даражаси 40-50 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда 100 фоизга етди.

Амалга оширилган ишлар таҳлиладан келиб чиқиб айтиш жоизки, юртимизда ёш оилалар манфаатларини таъминлаш, биринчидан, давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди ва уни амалга оширишнинг зарур бўлган ҳуқуқий асослари яратилди. Иккинчидан, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш тизими шаклланди. Учинчидан, ёш оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада кенсйтириш йўлида комплекс чора-тадбирлар қўрилмоқда. Лекин, бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали анчагина. Булардан энг муҳимлари, фикримизча, қуйидагилардир:

— ёш оилаларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

— ёшларни руҳан поклайдиган, қалбдан улғайтишга чорлайдиган, уларнинг иродасини мустаҳкамлайдиган тадбирларни тизимли ташкил қилиш;

— ёш оилаларнинг том маънода эркин яшашига қарши қаратилган, уларнинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғовий ва информацион хуруқларга нисбатан, шунингдек, маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган "оммавий маданият"га қарши мафқуравий имунитетни кучайтириш;

— фуқаролар йиғинларининг, ай-

ниқса, диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг ёш йигит-қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятда муносиб ўрин топишидаги ролини ошириш борасидаги фаолиятини кучайтириш;

— ёш оилаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, тегишли ҳолларда касаначилик фаолияти билан шуғулланиш учун қизиқиш ва рағбат уйғотиш, уларга ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бериш;

— ёш оилаларнинг ахтиёж ва талабларини янада кенсгроқ ўрганиш, мониторингини юритиш;

— ёш оилаларга ҳар томонлама, биринчи навбатда, зарур бўладиган маълумотлар базасини ўз ичига оладиган ҳамда уларни қизиқтирган саволларга интерактив усулда жавоб берадиган интернет тармоғида алоҳида веб-саҳифани ташкил қилиш.

Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг дунёга келиши юрт ва миллат тақдирига дахлдор масала. Зеро, доно халқимиз айтганидек, оила тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганларидек, соғлом оила вужудга келиши учун, аввало, жамият ва давлат қайириши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади.

Ўқтамхон ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар Оила маросимлари маркази раҳбари.

ДУНЁ КЎЗГҮСИ

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРАДИ

«Интерфакс» тарқатган хабарларга кўра, Литва президенти Валдас Адамкус янги қонунга имзо чекди. Бу қонунга кўра, жамоат тадбирларида нацист ва совет раҳбарларидан фойдаланиш ман этилади.



Янги қонунга кўра, йиғилиш ва митингларда гитлерчилар Германияси, собик иттифоқ ва Литва ССРнинг байроқ ва гербларини ишлатиш мумкин эмас. Тақиқланган белгилар орасида миллатчилар свастикаси, советларнинг ўроқ-болғаси ва беш қиррали қизил юлдуз ҳам бор.

Қонун мамлакат парламенти томонидан 17 июнда қабул қилинган. У матбуотда расман эълон қилингандан сўнг кучга киради.

Эслатиб ўтамиз, яна бир Болтиқбўйи мамлакат — Латвияда совет символларидан фойдаланиш 1990 йиллар бошлариданоқ тақиқланган.

СЛОВАКИЯ ЕВРОГА ЎТАДИМИ?

Европа Иттифоқи расмий тарзда Словакия келаси йилнинг 1 январидан евроху-дуга киришни тақдир қилди. Агар Словакия бунга рози бўлса, умумий валютадан фойдаланувчи евроху-дуд мамлакатлари сони 16 га етди. Бундан ташқари, Словакия Марказий ва Шарқий Европадаги евроху-дуга кирган иккинчи мамлакат бўлади.

МАДАНИЙ МЕРОСЛАР КЎПАЙДИ

Испаниянинг Кантабрия қирғоғидаги горлар ЮНЕСКО томонидан инсоният мероси сифатида рўйхатга олинди.

Бу маданий мерос деворларига ибтидоий одамлар томонидан турли суратлар чизилган 14 та гор бўлиб, улардан энг машҳури Альтамирадир. Альтамира гор 1985 йилдаёқ маданий мерос сифатида эътироф этилган.

Тафсилот

АРКТИКА "ОВИ"

Дунёнинг ривожланган давлатлари бу маконни забт этишга киришишди

Асрлар давомида сукунат ҳукм суриб келган Арктикада жаҳоннинг етакчи давлатлари ўз ҳукмронлигини ўрнатиш пайига тушишди. Бу кураш айнан ҳозирга келиб бошлангани бежиз эмас. Мутахассисларнинг фикрича, яқин вақтларда Шимолий кутбда музликлар эриб битади ва ястаниб ётган табиий бойликлар учун кенг йўл очилади.

Арктиканинг муз қатлами Шимолий кутбга томон қисқариб бораётгани ўтган асрнинг 70-йилларидадан буюн маълум. 1979 — 2000 йилларда қисқаришнинг ўртача кўрсаткичи 7,7 млн. кв. км.ни ташкил этган. Ўтган 7 йилда музликлар қарийб 2 млн. км.га чекинган!

Биз хариталарда кўриб, тасаввур қилган музликлар макони секин-аста ўз либосини яшил ранга ўзгартираётди. Айниқса, тадқиқотчилар томонидан бу ерда улкан нефть ва газ захиралари мавжудлиги айтилгандан буюн унга яқин бўлган давлатлар — Россия, Норвегия, Канада ва Даниянинг ҳаловати йўқолган. Ўз навбатида, АҚШ ҳам ушбу ҳаракатлардан четда тургани йўқ. Тахминларга кўра, музлар эрий бошлаган Арктикада нефть ва газ конларининг 25 фоизи бор. Бу эса Арктиканинг сайёрамазиди.

дан бирига айланишига сабаб бўлиши мумкин.

Музликлар маконига жуғрофий жиҳатдан энг яқин Канада давлати Арктиканинг шимолий-ғарбий қисмига асосий даъвогарлардан. Шимолий муз океанининг бир бўлаги, айни пайтда, Атлантика ва Тинч океанини туташтириб турувчи ушбу худуд стратегик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга. Агар музликларнинг эриши шу тариқа давом этса, мазкур худудда Шимолий Америка-ни Осиё билан боғловчи энг яқин йўл очилиши мумкин.

Бу ҳозир Панама орқали ўтаётган йўлдан 6500 км. яқинроқ бўлади. Франц-Иосиф ерида ва Баренц денгизининг шимолий-шарқий қисмида ҳарбий ва фуқаролик объектлари қурилаётгани Кремлнинг мақсади жиддий эканидан далolat беради. БМТнинг денгиз ҳуқуқи Конвенциясига асосланган Москва наздида Россия ўзига чегарадош ва яқин минтақада жойлашган худуднинг табиий бойликларига эғалик қилиш ҳуқуқига эга. Канада Арктиканинг шимолий-ғарбий қисминини мамлакатнинг ички денгиз худуди, деб ҳисоблайди. Оттава расмийларининг билдиришича, Мичиганга Америка қандай ҳақли бўлса, Канада ҳам Арктиканинг шимолий худудларига шунақали ҳақлигидир. Вашингтоннинг қараш-

лари эса ўзгача: минтақа очик уммоннинг бир қисми, шундай экан, ҳар қандай мамлакат Канада ёки Россия руҳсатисиз у ерга кириши мумкин. Очиги, ушбу муаммони ҳам ҳалқаро ҳуқуқ эмас, мам-

лакатларнинг ҳарбий қудрати хал қилади, шекли.

Арктикадаги кемалар ўтиш жойи борасидаги баҳо-мунозаралар Оттава ва Вашингтон ўртасида ўн йиллардан буюн давом этмоқда. АҚШнинг Канададаги собиқ элчиси Пол Челлүчи ўз лозимини тарқатишдан олдин Америка Арктикадаги шимолий-ғарбий кемалар қатнайдиغان худуд бўйича ўз позициясини белгилаб олишнинг вақт-соати етганини ва бу худуд Канада-нинг бир қисми эканини тан олиши керак, дея таъкидлаган.

Яқинда расмий Оттава Арктикадаги Баффин Ери ва Гудзонова туманида энг катта ҳарбий ўқув маълумотларини ўтказгани минтақадаги вазиятни яна чигаллаштириб юборди. 10 кунлик ҳарбий машқлардан мақсад — Арктикада "Канада суверенитетини мустаҳкамлаш"дан иборат эди. Бунга жавобан Россия ҳам худудда ўз байроғини тикиди. Орадан биринунча вақт ўтиб эса, Дания Ломоносов тўғрисидаги ўзининг илмий экспедициясини юборди. Ва ниҳоят, бироз кечикишлар билан бу "ўйин"га АҚШ ҳам қўшилиди. Яқин орада Арктикага "кўз тикаётганлар" сони янада ортиши мумкин: қуни кеча муз остидаги бойликка Исландия, Финляндия ва Швеция ҳам қизиқиш билдиргани маълум бўлди.

АҚШ куч-қудратга эга давлат бўлса-да, Арктикадан бироз узоқроқда жойлашган. Канада Музликлар макони билан ён қўшни, лекин ҳарбий қудратга эга эмас. Шунинг учун Арктикага эғалик қилиш учун ҳар икки давлат бир ёқадан бош чиқариши лозимлиги таъкидланмоқда. АҚШ президенти Ж.Бушнинг Арктика масаласи юзасидан берган баёнотида Канада-нинг шимолий қирғоғи яқинидаги кемалар қатнови йўналиши ўзининг ҳалқаро ҳуқуқини сақлаб қолиши кераклиги талаб қилинган. Канада бош вазири Стивен Харпернинг Оқ уй раҳбарини фикирдан қайтариш борасидаги ҳаракатлари ҳозирча самарасиз кечмоқда.

Ҳозирча даъвогар мамлакатлар ўз стратегик мақсадларига кўра ҳаракат қилишмоқда. Қизиги шундаки, бир неча ўн йилликка қўрилиши таъмин этилаётган бу мунозаралар билан яқин келажакда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзи ҳам шуғулланиши мумкин. Табиий бойликларни қўлга киритиш борасидаги ҳаракатлар сайёрамазиди бетақтор Арктика экотизимига тузалмас зиён етказиши турган гап.

Бехбўд БОТИРОВ.

ХАЛҚАРО АНДОЗАГА МОС

Фарғона вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, инвестициялар жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, чекка қишлоқларда ташкил этилаётган корхоналар аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Фарғона туманидаги "Водил" шўъба корхонасида айни пайтда сифатли, халқаро андозаларга мос ипак ишлаб чиқаришмоқда. Ваҳоланки, корхона бундан бир неча йил аввал иқтисодий таъназулга учраган эди. Ўтган йили корхона маҳаллий инвесторлар иштироғида берилган, 150 миллион сўмликдан ортиқ маблаг сарф этилиб, бино ва дастгоҳлар таъмирланди, 94 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Биз айни кунларда бозор конъюктурасини ўргана бориб, маркетинг ишларини йўлга

қўймоқдамиз, — дейди корхона директори Шавкатхон Абдуллаев. — Албатта, ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз бозор талабига тўла жавоб берадиган даражада сифатли ва рақобатдош бўлиши зарур. Шунинг учун бу борада аниқ тадбирларни белгилаб олганмиз. Жумладан, йил охиригача корхона цехларига Хитойнинг энг замонавий технологиялари ўрнатилди. Шундан сўнг 200 та янги иш ўринлари яратилди.

Суратларда: ишчи Барно Рустамова; Зухра Аббосова иш устида.



М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бугун мамлакатимизнинг қайси бир манзилига борманг, албатта, ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ушшоқлиқ билан олиб борилаётганининг гувоҳи бўласиз.

«ОБОДОНЧИ»ЛАР ШИЖОАТИ

Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани Қурбонқул қишлоғи марказида бунёд этилаётган Маийши хизмат ва сервис коллежи қурилиши ишларини тумандаги "Ободон" хусусий фирмасининг қурувчилари зўр шижоат билан олиб боришмоқда. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 911 миллион сўм бўлган мазкур объектда 6 бригада, 126 нафар қурувчи, чилангар, электр-усталар қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда. Бугунга қадар 1 миллиард сўмдан ортиқ иш бажарилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мазкур коллеж биноларининг мустаҳкам бўлиши учун қурилиш материалларининг сифатига асосий эътибор қаратиляпти.

Б.МУҲАММАДИЕВ.

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛАРИГА УЙҒУН

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 24-модда)

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳаси ҳам бу жараёндан мустасно эмас. Изчил давом этаётган ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида тизимни янада либераллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 2005 йил 1 августда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Президент Фармони билан бу йўлда ташланган гоятда муҳим кадам, дея эътироф этиш мумкин.

Фармонда давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан халқаро меъёрларга тўла мос келиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг изчил ифодаси экани белгиланган. Бу борадаги муҳим вазифалар, биринчидан, жамоатчилик ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилади. Ушбу жараёнда аҳолига ўлим жазосиндан воз кечиш сабабларининг мазмун-моҳияти чуқур тушунти-

рилди. Иккинчидан, хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилиб, таҳлил қилинди ва миллий қонунчилигимизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Учинчидан эса, ўлим жазоси ўрнига тайинланадиган умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар қўрилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги сайй-ҳаракатлар мазмун-моҳиятини, аҳамиятини фуқароларимиз тўла англаб етиши-нинг аҳамияти катта. Негаки, ана шундагина юртдошларимиз давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган мақсадларга эришиш борасида талланган стратегиянинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий самарадорлигига тўғри баҳо беришлари мумкин. Бунинг учун ҳамма жойда, барча даражада: радио ва телевидениеда, матбуотда, корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш йўли билан кенг ахборот-тушунтириш иш-

ри олиб борилди. Бунда фақат ўлим жазосини бекор қилиш зарурлигини қайд этиш билан қиёфаланмасдан, асосий эътибор мазкур заруриятни белгиловчи сабаблар ва омилларга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган бундай ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрўсини янада мустаҳкамлади. Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилиги билан Европа Иттифоқи давлатлари қонунчилигини янада яқинлаштирди. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, чинакам демократик, инсонпарвар жамиятда, шунингдек, демократия ва инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида кўраётган жамиятда ўлим жазосининг қўлланилиши ўринли эмас.

Мамлакатимизда рўй бераётган янгилликлар, ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди. Зеро, ҳар бир фуқаро ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш йўлида зўр сайй-ҳаракат кўрсатмоғи лозим. Зеро, аллоҳлар айтганидек, бугунги кун пойдевори — келажак фаровонлигидир.

Азиз АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар
Ҳамза тумани прокурори.

МОҲИТОБОН ЗИЁРАТГОҲИДА

Қурилиш ишларига вилоятдаги 2-сон "Бу-хоро жамоа қурилиш" уюшмаси мутасаддилик қилмоқда. Тумандаги 203-ХКМК ташкилоти эса бош пудратчи сифатида фаолият олиб бораётган. Галаосийдаги 47-ХКМК ташкилотидан келган қурувчиларнинг олиб бораётган ишлари ҳам таҳсинга сазовор. Жамоанинг Мавлон Хакимов бошлиқлиги турувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар бундай улкан биноларни қуришда анча-мунча тажриба орттирган моҳир қурувчилар ҳисобланишади. Қурилиш штаби бошлиғи, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлимининг раиси Б.Олимов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Халқимиз азалдан хайрли ишларга бошқош бўлганларни қадрлаган. Масжид қурилишида туманимиздаги саховатпеша инсонлар ўз маблаглари билан баҳоли қудрат қилиб келаяптилар. Хусусан, фермерлар И.Пирров, А.Латипов, С.Саидов, тадбиркорлардан Х.Ҳамидов, Пулат ҳожи Ҳафизов, Т.Давроновлар қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб беришляпти.

Хуллас, яқин кунларда шарқона услубда уч томонли нақшкор, устули айвонлардан иборат бу жомеъ масжиди Шофирконнинг дилбар гушалари қаторидан ўрин олади.

Ўз муҳбиримиз.

